Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 129 (5720).
7 ИЮНЬ 1985 й.
ЖУМА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

„СОЮЗ Т-13“ ПАРВОЗДА

ТАСС АХБОРОТИ

Космик фазони тадқиқ этиш программасига мувофиқ 1985 йил 6 июнь куни Москва вақти билан соат 10 дан 40 минут ўтганда Совет Иттифоқида «Союз Т—13» космик кемаси учирилди. Уни кема командири икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССРнинг космонавт-учувчиси полковник Владимир Александрович Жонибеков билан борт инженер Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССРнинг космонавт-учувчиси Виктор Петрович Савиних иборат экипаж бошқармоқда.

«Союз Т—13» кемасининг учиш программасида «Салют—7» орбитал илмий станцияси билан биргаликда ишларни бажариш кўзда тутилади. Станция Ер атрофи орбитасига чиққанига уч йилдан ошди. Ҳозир у консервация қилинган ҳолатда учмоқда.

Кема ичидаги системалар нормал ишлаб турибди, экипаж ўзини яхши ҳис этмоқда.

Космонавтлар Жонибеков ва Савиних учиш программасини бажаришга киришдилар.



«СОЮЗ Т-13» кемасининг командири полковник **Владимир Александрович ЖОНИБЕКОВ**

Икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт-учувчиси Владимир Александрович Жонибеков 1942 йил 13 майда Тошкент область Бўстонлиқ районидаги Искандар посёлкасида туғилган.

1965 йил Ейск олий ҳарбий учувчилар авиация билим юртини тамомлаганидан кейин ҳарбий ҳаво кучларида инструктор учувчи бўлиб хизмат қилди.

В. А. Жонибеков — 1970 йилдан Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг аъзоси.

1970 йилдан бери космонавтлар отрядида.

В. А. Жонибеков 1978—1984 йилларда тўрт марта космосга учди. У «Салют—6» ва «Салют—7» орбитал илмий станцияларида шунингдек Монголия, Франция космонавтлари иштирокида ўтказилган икки халқаро ташриф экспедициялари экипажларининг командири бўлган.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Владимир Александрович Жонибеков катта ижтимоий-сиёсий ишларни олиб бормоқда.

«СОЮЗ Т-13» кемасининг борт инженери **Виктор Петрович САВИНИХ**

Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт-учувчиси Виктор Петрович Савиних 1940 йил 7 март куни Киров область Оричевский районидаги Березкини қишлоғида туғилган.

У Пермь темир йўл транспорти техникумини тамомлаган, Совет Армияси сафида хизмат қилган.

В. П. Савиних 1963 йилдан Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг аъзоси.

1969 йил Москвадаги геодезия — аэрофотосъёмка ва картография инженерлари институтини тамомлаганидан кейин конструкторлик бюросида ишлади. Виктор Петрович космик аппаратлар учун приборлар ишлаб чиқиш билан шуғулланди, космик кемаларнинг учишини бошқаришда қатнашди.

В. П. Савиних 1978 йилда космонавтлар отрядига қабул қилинди. 1981 йилда «Салют—6» станциясида асосий экспедициянинг борт инженери сифатида космосда 75 кун давомида учган.

ВИСТАВКА БОРИБ КЎРИЛДИ

5 июнь куни КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев Москвадаги Марказий кўргазма залида совет халқи Улуғ Ватан урушида қозонган Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган Бутуниттифоқ тасвирий санъат виставкасини бориб кўрди.

Виставкани кўздан кечириш чоғида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат П. Н. Демичев, КПСС Марказий Комитети маданият бўлимининг мудири В. Ф. Шауро, СССР Рассомлар союзи правлениесининг раиси Н. А. Пономарев, СССР бадиий академиясининг президенти Б. С. Угаров ўртоқ М. С. Горбачевга ҳамроҳлик қилдилар.

тонгги газеталарда

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг таклифига биноан БКП Марказий Комитетининг Бош секретари, БХР Давлат Кенгашининг Раиси Т. Живков дўстона амалий визит билан 5 июнда Совет Иттифоқига келди.

Шу куниёқ у Ватан озодлиги ва мустақиллиги учун олиб борилган жангларда ҳалок бўлган сибирлик жангчиларга ўрнатилган Шуҳрат ёдгорлигини зиёрат қилди, Мангу олов пойига гуллар қўйди.

* * *

5 июнь куни Тошкентда Бутуниттифоқ семинар-кенгаши очилди. Педагогика билим юртларининг миллий группаларида рус тилини ўқитишни такомиллаштиришнинг муҳим проблемалари кенгаш қатнашчиларининг диққат марказида турди.

Ўрта Осиё, Закавказье республикалари ва Козогистон олимлари, педагоглари тажрибани ўртоқлашмоқдалар, рус тили дарсларида ёшларни ғоявий-сиёсий тарбиялаш, педагогика билим юртлари учун янги методик ва ўқув қўлланмаларини яратиш, таълим формаларини кенгайтириш масалаларини муҳокама қилмоқдалар.

Кенгаш давомида унинг қатнашчилари тавсияномалар ишлаб чиқиб, уларда илғор педагогика тажрибасини практикага кенгроқ жорий қилиш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш йўлларини белгилайдилар.

МЕТРОЛОГЛАР КЕНГАШИ

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифатини оширишда метрология хизматининг роли муҳимдир. Бу хизматни такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган масалалар 5 июнь куни Тошкентда бўлиб ўтган республика семинарида кўриб чиқилди. Унинг қатнашчилари агросаноат комплексини метрологик таъминлаш вазифаларини муҳокама қилдилар. Қишлоқ хўжалигини интенсивлашда ва қайта ишлаш саноатида стандартларнинг ролини оширишга, янги давлат стандартлари, ўлчов ускуналарини ишлаб чиқиш ва жорий этишга катта эътибор берилди. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми юксак натижаларга эришганликлари ва ихтирочилик, рационализаторлик ишида ҳамда меҳнат унумдорлигини оширишнинг илғор формаларини пропаганда қилишда актив қатнашганликлари учун «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмаси энергетика махсус лойиҳа-конструкторлик ва технология бюросининг сектор мудири Олег Анатольевич **Рябников**, бирлашма цех бошлиғининг ўринбосари Ҳабибулла **Худойбердиев** ўртоқларга **«Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ихтирочи»** фахрий унвони берди.

КПСС XXVII СЪЕЗДИГА— 27 ЗАРБДОР ЎН КУНЛИК





АНИҚ МАҚСАДНИ КЎЗЛАБ



Вазифалар равшан, мақсад аниқ бўлса меҳнат кайфияти ҳам яхши бўлади. Коллективдаги муҳит ҳам юксак унумли меҳнат қилишга даъват этади. Тошкентнинг барча меҳнаткашлари қатори «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи ҳам аниқ мақсад — КПСС XXVII съездининг муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш ниятида меҳнат қилаяпти. Бирлашманинг пешқадам бригадалари, ишчилари ва инженерлари коммунистлар анжуманига шахсий совға тайёрлашяпти.

Техника тараққиётни ютуқларидан унумли фойдаланаётган бирлашма коллективи яхши натижаларга эришяпти. Йиғувчи, 5-цех комсомол ташкилотчиси Р. Низомитдинова, жумладан, 1986 йил ҳисобига меҳнат қилаяпти. Инженерлар Е. Малахов, Г. Кириллов ва бошқалар мунтазам меҳнат унумдорлигини ошириш омилларини изламоқдалар.

Бирлашма маҳсулотларига мамлакатимиздагина эмас, чет элларда ҳам эҳтиёж катта. Коллективда «КПСС XXVII съездига — 27 зарбдор ўн кунлик» шиори остидаги мусобақа тобора кенг кулоч ёймоқда.

* * *

СУРАТЛАРДА: инженерлар Е. Малахов ва Г. Кириллов; йиғувчи Р. Низомитдинова; реле йиғиш конвейерида.

● Пойтахт қурилишларида

Мусобақани авж олдириб

Тошкент шаҳар қурилиш Бош бошқармасига қарашли 12-трестнинг 49-қурилиш бошқармаси қурувчилари «КПСС XXVII съездига — 27 зарбдор ўн кунлик» шиори остида меҳнат қилиб, кун сайин юқори кўрсаткичларга эришиб келмоқдалар. Съезд шарафига социалистик мусобақани қизитиб юборган қурувчилар айни кунларда Ишчилар шаҳарчасида янги поликлиника қурилишини ниҳоясига етказмоқдалар. Қурувчилар бу 21-поликлиникани шаҳарчанинг 50 йиллигига туҳфа қилиш учун кураяптилар.

Ҳозирда объектда пардоз ишлари сўнгги босқичга кирди. Прораб Бахтиёр Маҳмудов бошчилигидаги қурувчилар сўнгги сувоқ, пардоз, ободонлаштириш ишларини амалга оширяптилар. Шокир Примов бошлиқ дурадгорчилар, Тўлқин Ҳасанов етакчилигидаги сантехниклар, Валентин Меншериков бошлиқ газ-монтажчилар ўз ишларига сўнгги нуқта қўймоқдалар. Съездолди зарбдор вахтасида баракали меҳнат қилаётган бу бригадалар ишни икки сменада олиб боришяпти. Ҳадемай, янги поликлиника фойдаланишга топширилиб, Ишчилар шаҳарчаси аҳолиси учун медицина хизмати бўйича яна бир қулайлик яратилади.

● БИРОДАРЛАШГАН ШАҲАРЛАР ДЎСТЛИГИ

САМАРАЛИ АЛОҚАЛАР

Кейинги йилларда Ўзбекистон ва Югославия ўртасидаги алоқалар кенгайиб ва мустаҳкамланиб бормоқда. Македония пойтахти Скопледа Ўзбекистон ССР маданияти кунлари, шундан кейин эса серқуёш диёримизда Македония маданияти кунлари ўтказилди. Бу тадбирлар чинакам дўстлик байрамларига айланиб кетди. Шу йилнинг бошларида Македония коммунистлар Союзи шаҳар комитетининг раиси Петер Карянов бошчилигидаги делегация Тошкентда меҳмон бўлди.

ЮСФР Скопле касаба союзлари шаҳар совети секретари Слободанка Кузмановска бошчилигидаги делегациянинг Тошкентга қилган сафари ниҳоясига етди. Меҳмонлар бир неча кун мобайнида шаҳримиз ҳаёти билан танишдилар, В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиали, Республика халқ хўжалиги ютуқлари виставкаси, В. И. Ленин номли метрополитенни бориб кўрдилар. Улар Тошкент корхоналари, маданият саройларида ва уйларида бўлдилар.

Биродарлашган шаҳардан келган делегация «Чимён» туристик комплекси, Чорвоқ ГЭСи ва унинг атрофидаги дам олиш зонаси, авиасозларнинг «Гулистон» пионер лагерини бориб кўрди. «Қизил Ўзбекистон» колхозининг касаба союз комитетида суҳбат бўлди, меҳмонлар хўжалик билан танишдилар, социал-маданий объектларни кўздан кечирдилар, Давлат санъат музейига экскурсия қилдилар.

ТОШКЕНТДА ПУШКИНХОНЛИК КУНЛАРИ

кеча

А. С. Пушкин номли майдондаги шоир ҳайкали олдида пушкинхонлик кунларининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Буюк шоир шеърлари ва замондошларимизнинг у ҳақдаги асарлари янгради, А. С. Пушкин ижоди бўйича викторина бўлиб ўтди. Йиғилганлар олдида таниқли ёзувчи, шоир ва адабиётшунослар дил сўзларини изҳор қилдилар.

Байрам худди шу майдондан бошланиб, бутун шаҳарни қамраб олди.

Кечанинг ўзида Тошкентдаги кўплаб кутубхоналарда китобхонлар конференциялари, библиографик обзорлар, адабий кечалар бўлиб ўтди.

Киров районидаги 7-кутубхонада ўтказилган библиографик обзор «Пушкинни ўқиб» деб аталди. Ленин районидаги 5-кутубхона уюштирган «Пушкин поэзия дунёсида» очаки журнал жуда катта қизиқиш уйғотди. Унда адабиётшунослар, кутубхоначилар ва кўплаб китобхонлар иштирок этишди.

эртага

Пушкин истеъдодининг барча муҳлисларини оромгоҳлар, маданият саройлари кутмоқда. Ленин районидаги Гайдар номли кутубхонада «Пушкин эртаклари ҳузурида маҳорат дарси» йиғини бўлиб ўтади. Октябрь районидаги Маршак номли кутубхона кичкинтой китобхонлари учун шоирнинг шеърини энг яхши ўқиш бўйича конкурс ўтказади.

бугун

А. С. Пушкин номидаги оромгоҳ ўз меҳмонларига ранг-баранг программани ҳавола этди. Акмал Икромов районидаги Ойбек номли болалар кутубхонаси ва бошқа кутубхоналарда адабий учрашувлар, обзорлар бўлиб ўтди. Киров районидаги 9, Чилонзор районидаги 10-кутубхоналар айниқса гавжум бўлди. Китобхонлар оғаки журнал ва библиографик обзорларни чиқаришда иштирок этишди. А. С. Пушкин номидаги майдонда, шаҳримиздаги кўплаб оромгоҳлар, маданият саройлари ва уйларида байрам давом этди.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

БУГУН ТОШКЕНТДА:

● Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигининг Тошкентдаги тажриба-механика заводида қурилиш саноатида биринчи марта минорали кранни ишлаб чиқариш ўзлаштирила бошланди. Саккиз тоннагача юк кўтара оладиган бу қудратли механизм министрликнинг шаҳримиздаги қурилиш объектларида жуда қўл келади. Такомиллашган янги механизмни ишлаб чиқариш тўла ўзлаштирилгач, қурилиш ташкилотлари бир йилда шундай крандан 40 тасини оладилар.

● Ўзбекистон ССР Маданият министрлигига қарашли бадиий кўргазмалар ва панорамалар дирекциясининг санъатшунослари Москвада бўладиган Жаҳон ёшлари ва студентларининг халқаро фестивалига атаб ёшлар тасвирий санъат асарлари кўргазмасини тайёрлашга киришдилар. Республика Рассомлар союзининг кўргазмалар зали биносида очиладиган бу виставкада республикамиз жуда кўп ёш ижодкорларининг асарлари намойиш этилади.

ОБ-ҲАВО

● Бугун эрталаб соат 11 да Тошкентда 28 даража иссиқ бўлди. Бугун кечаси 16—18, эртага кундузи 33—35 даража иссиқ бўлади.

Шарҳчи сатрлари

ТЕНГЛИК ВА ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК АСОСИДА

Совет Иттифоқи капиталистик мамлакатлар билан кенг, кўп планли, ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш йўлини изчиллик билан ўтказиб келмоқда. СССР билан Канада ўртасидаги муносабатлар бунинг мисоли бўлиши мумкин. Маълумки, Канада етти энг йирик капиталистик давлат қаторига киради. Совет Иттифоқининг бу мамлакат билан муносабатлари қадимий анъанага эгадир. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, РСФСР Министрлар Советининг Раиси В. И. Воротниковнинг Канадага қилган дўстлик визити ҳам, шубҳасиз, шу муносабатларнинг ривожланишига хизмат қилади.

Визит давомида СССР билан Канада ўртасидаги дўстликни янада барқарор ривожлантириш учун ҳеч қандай жиддий тўсиқлар йўқлиги таъкидланди. Бунинг устига Совет—Канада муносабатлари ривожланиб, конкрет мазмун билан тўлиб бормоқда. Иккала мамлакат ўртасидаги савдо-сотиқ кенгаймоқда. Совет маҳсулоти Канадада яхши маълумдир. Унинг далаларида минглаб «Белорусь» тракторлари ишламоқда, йўлларда кўплаб совет «Лада» машиналари қатнамоқда.

СССР Канада билан актив сиёсий мулоқотни давом эттиришга, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, маданий ва бошқа алоқаларни ўзаро манфаатли, тенг ҳуқуқли ва яхши қўшничилик асосида янада мустаҳкамлашга тайёрдир. Бўлиб ўтган Совет—Канада музокараларида ўзаро маҳсулот сотиб олишни кенгайтириш имкониятлари муҳокама қилинди. Иккала мамлакат иқлим ва географик шароитларининг бир-бирига ўхшашлиги улар олдида турган ривожланиш проблемаларини ҳал этиш соҳасидаги тажрибани айрибошлаш учун негиз бўлиб хизмат қилмоқда. Шунинг учун ҳам Арктика ва Шимолни ўрганиш ва ўзлаштириш соҳасидаги икки томонлама Совет—Канада ҳамкорлиги масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Совет Иттифоқи Канадани халқаро ишлардаги ўзининг жиддий шериги деб билмоқда. Мамлакатимизда иккинчи жаҳон уруши йилларидаги Канада билан жанговар ҳамкорликни сира унутмайдилар. СССР ҳозир ишонч ва ўзаро бир-бирини тушуниш муҳити ҳар қачонгидан ҳам мураккаброқ деб ҳисобламоқда, ядро қуролларининг хавфли равишда кўпайиб боришини тўхтатиш, космик фазони милитарлаштирилишига йўл қўймаслик, халқаро муносабатларни кескинликни юмшатиш йўлига қайтариш учун изчиллик билан куч-ғайрат сарфлаш керак, деб билмоқда.

И. АБЛАМОВ,
ТАСС шарҳчиси.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорлари-амалда

«Пропагандани воқеликдан «узоқлашуви»ни тўла-тўкис ва онгли равишда бартараф этмоқ керак.

Партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленуми талаблари асосида барча раҳбар коммунистларнинг кундалик оммавий-сиёсий, тарбиявий ишда фаол иштирокларини таъминламоқлари лозим».

(Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми материалларидан).

Хатларга мутасадди раҳбарлар жавоби

«Тошкент оқшоми»га

- *Партия ташкилотларининг жанговар вазифаси*
- *Якунловчи машғулотларга қизғин ҳозирлик*
- *Зафарларимиз сенга, жонажон партия!*
- *Алкоголизмга қарши курашнинг ҳуқуқий жиҳатлари*

Партия сиёсий маорифи системасида

ҲОЗИРГИ ТАЛАБЛАР АСОСИДА

Шаҳримиз бошланғич партия ташкилотлари сиёсий ва иқтисодий таълим системасида ўқув йилини муваффақиятли якунлаш учун барча тадбирларни кўрмоқдалар. Ҳозир ҳамма жойда якунловчи машғулотларга сўнгги қизғин тайёргарлик кўриляпти. Қуйида икки йирик бирлашма — В. П. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамда «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмасида якунловчи машғулотларга қандай ҳозирлик кўрилаётгани ҳақидаги суҳбатларни эътиборингизга ҳавола этяпмиз.

ҲАЁТ БИЛАН МУСТАҲКАМ АЛОҚАДА

Т. НОВОЖИЛОВА,
В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси партия маорифи кабинетининг мудири.

— Якунловчи машғулотларга ҳар томонлама пухта ҳозирлик кўряпмиз. 471 пропагандист бу борада қизғин иш олиб боряпти. Уларнинг мутлақ кўпчилиги олий маълумотга эгадир. Жами пропагандистлар шахсий план асосида иш олиб борди. 299 пропагандист эса хўжалик раҳбарлари, мастерлардан ташкил топган. Улар орасида лаборатория мудири Умид Раҳматуллаев, касаба союз комитети раиси-нинг ўринбосари Борис Александрович Кононов, Владимир Михайлович Панов ва бошқа тажрибали пропагандистлар якунловчи машғулотларга ҳар томонлама ҳозирлик кўрмоқдалар. 11 июндан бошлаб якунловчи машғулотларни ўтказамиз.

— Ўқувни, якунловчи машғулотларни бевосита коллектив олдида турган вазифалар билан боғлаб ўтказишга қандай эътибор қаратяпти?

— Бунга биринчи галда эътиборни қаратаяпмиз. Жами тингловчиларнинг 82 процента коммунистик меҳнат зарбдорларидир. Ҳар уч тингловчидан бири жамоат топшириғини бажаради: агитаторлик қилади, деворий газета чиқаришда кўмаклашади ва ҳоказо. Ҳар беш тингловчидан бири ўз малакасини ошириб боряпти.

«КПСС XXVII съезди шарафига — 27 зарбдор ўн кунлик» шиори остида ишлаётганлар сафи тобора кенгайиб боряпти. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан маъқулланган 18 илғор ишчи орасида бизнинг бирлашмамиздан Иван Басанец борлигидан фахрланамиз, албатта. У ишлаётган цехда барча тингловчилар съездолди мусобақасида актив иштирок этишяпти. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Назрулла Маннопов, меҳнат зарбдори В. Кияшченко ва бошқа тингловчилар олган назарий билимларини амалда кенг қўлламоқдалар, кун сайин ажойиб меҳнат натижаларига эришмоқдалар.

— Ҳадемай, ўқишлар тугайди. Тингловчилар ва пропагандистларнинг олдига «каникул»да қандай вазифалар қўйиляпти?

—187 та марксизм-ленинизм асослари, илмий коммунизм мактаблари, учта партия-хўжалик активи мактаби, 8 та ёш коммунистлар мактаби, 181 та конкрет экономика ва коммунистик меҳнат мактаби, 70 та комсомол-сиёсий маорифи мактабларида партиямиз шу кунларда олдимизга қўйган энг муҳим вазифалар тингловчиларга чуқур сингдирилмоқда.

Биз КПСС Марказий Комитетининг апрель (1985 йил) Пленумининг партия XXVII съездини чақириш тўғрисидаги қароридан келиб чиқадиган вазифаларни машғулотлар мобайнида атрофлича муҳокама этиб олдик. Тўғри, ҳадемай партия сиёсий маорифи системасида ўқув йили ниҳоясига етади, лекин «каникул» даврида пропагандистлар ва энг актив тингловчилар КПСС Марказий Комитетининг апрель (1985 йил) Пленуми қарорларини, партия XXVII съездига тайёргарлик кўриш билан боғлиқ актуал вазифаларни оммага кенг тушунтириш ва амалга оширишда бошланғич партия ташкилотларига кўмаклашадилар.

ИШЧАНЛИК ВА АКТИВЛИКНИ ОШИРАМИЗ

Н. КРИВОШЕЕВА,
«Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитети секретарининг ўринбосари.

— КПСС Марказий Комитетининг апрель (1985 йил) Пленуми қарорлари КПСС XXVII съездига тайёргарлик билан боғлиқ вазифалар бирлашмамиздаги мавжуд 15 та мактаб программаларининг асосий моҳиятини ташкил этади. Шундан иккита ёш коммунистлар мактабида КПСС аъзолигига кандидатлар ва ёш коммунистлар партия қурилишининг ленинча принциплари, партиянинг программ ва янги ҳужжатларини, Устав талабларини, ривожланган социализм шароитида КПССнинг раҳбарлик роли ўсиб бориши қонуниятини ўргандилар. Бошқа мактабларда ҳам КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорлари асосида барча тингловчилар олдига юксак талаблар қўйдик. Айниқса, ҳар бир кишининг ўз шахсий бурчини чуқур англаб етишига, умумий ишга қўшадиган ҳиссасини кўпайтиришга муҳим эътибор берилди. Бунда энг яхши пропагандистларим ва зочиладиган кунгача биринчи квартал планини бажаришга аҳд қилди. Тежалган ҳом ашё ҳисобига эса бир кун ишлаб бериш ва бундан тушган маблағни Тинчлик фондига ўтказишга жазм этди. В. Сергеев, Н. Булигина бошчилик қилаётган участкалар эса ғоятда активлик кўрсатишяпти. Пешқадам электромонтажчи Людмила Александровна Валетова эса партия XXVII съезди очиладиган кунгача тўрт ойлик шахсий топшириғини бажариш мажбуриятини олди.

Бундай пешқадамлар сафи кун сайин кенгайиб бораётгани ғоятда қувончлидир. Зотан, биз якунловчи машғулотларда худди шу масалага, яъни КПСС XXVI съезди ва партия Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорларининг бажарилиши корхонамизда қандай бораётганлиги, партия олдимизга қўйган янги вазифаларни бекамкўст адо этиш учун нималарга асосий эътиборни қаратиш керак-лигини, умуман, аниқлаб ҳам бўлмайди. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, спиртли ичимликлар сотишдан тушадиган даромадни давлат, жамият кўраётган зиёнга асло таққослаб бўлмайди.

Совет давлати халқнинг хоҳиш-иродасини ифодалаб, ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш, самогон қилишни батамом тугатиш соҳасидаги самарали курашни таъминлашга қаратилган бир қанча қонун актларини қабул қилди. Шуни уқтириб ўтиш керакки, спиртли ичимликларни суиистеъмол қилувчи шахсларга нисбатан таъсир ўтказишнинг ҳуқуқий чоралари илгари ҳам қўлланилган эди. Бироқ

2 ТОШКЕНТ ШЕТ. ОҚШОМИ

7 ИЮНЬ. 1985 й.

Йилдан-йилга магазинларнинг пештахталарида бежирим пойафзал ва чиройли кийимлар кўпайиб бормоқда. Аммо, буюмлар ҳамиша ҳам харидорларга маъқул бўляптими? Республикамиз пойтахти енгил саноат корхоналари чиройли, шу кун талабига жавоб берадиган буюмларни тайёрлашни йўлга қўя оладими? Ишонч билан айтиш керакки, бу юмушни уддалаш мумкин. «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасида юқори сифатли ва замонавий маҳсулотлар тайёрлаш технологик потокларни яратиш бўйича тўпланган тажриба буни исботламоқда. Корхоналарнинг қимматли ташаббусини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети маъқуллади. «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси шаҳримизда биринчилардан бўлиб бу ташаббусни қўллаб-қувватлади.

Тошкентлик тикувчиларнинг юқори сифат потогини ташкил этиши ҳақида «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг директори О. ҚОДИРОВА шундай ҳикоя қилади:





• КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олайлик

СИФАТ МАКТАБИ

— Юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш мақсадида бирлашмамиз технология потокларига юқори сифат унвонини бериш ташаббуси билан чиқди. Бу ташаббус катта тайёргарлик ишлари туфайли вужудга келди. У ўзига коллективни шакллантиришдан бошлаб, инженерлик таъминотигача бўлган жараённи қамраб олди. Тажрибали мастер С. Тўпаева етакчилик қилаётган 4-цехдаги бригадада амалга оширилди. У корхонада 20 йилдан буён меҳнат қилмоқда. Жуда кўплаб малакали мутахассисларни тарбиялади. Бригада тайёрлаётган маҳсулотларга узоқ муддат давомида бирон-та ҳам реклама-ция олинмади. Шунинг учун ҳам у ташаббус билан майдонга чиқди.

Тадбирлар планига кўра энг кучли механизациялашган поток аниқланди, ремонт ва созлаш ишлари амалга оширилди, технологик ускуналарнинг иш режими белгиланди.

Иш жойларини жиҳозлаш ва тикувчи-мотористкаларни аттестациядан ўтказиш, уларни турли операцияларни бажаришга ўргатиш алоҳида аҳамият касб этди.

Потокда кичик механизация жорий этилди, янги инструкция-технология картаси ўзлаштирилди.

Инженер-техник ходимларнинг юқори сифатли маҳсулот тайёрлаш учун бўлган қизиқишини ошириш ниятида янги системада меҳнат қилаётган кишиларни моддий рағбатлантириш тўғрисидаги низом ишлаб чиқилди.

Дастлаб осон бўлмади, технологиядан четлашларга йўл қўйилди. Вақт ўтиши билан бригададаги кучлар шундай тақсимландики, ҳар бир тикувчи ўз операциясини сифатли, пухта бажарадиган бўлиб қолди.

Ҳозирнинг ўзидаёқ сифат потоклари ишлаб чиқариш учун қандай фойда келтирганлиги ҳақидаги дастлабки хулосаларни чиқариш мумкин. Коллектив бирлашмада тайёрланган барча янги моделларни эксперимент цехда ўзлаштирмоқда. Бу ерда биринчи марта моделларнинг нуқсонлари ва уларни бартараф этиш усуллари аниқланади. Буюмлар потокда кичик сериялар-да (юз донага яқин) тикилади ва улар «Перспектива» магазинида сотилади. Савдо пайтида пальтоларга бўлган харидорларнинг эҳтиёжлари ўрганилади, энг маъқуллари танлаб олинади, харидорлар ва савдо ходимларининг истаклари ҳисобга олинади. Ана шундай синовдан ўтган буюмларгина кўплаб ишлаб чиқаришга тавсия этилади.

Шуни ҳам айтиш керакки, С. Тупаева етакчилик қилаётган коллективнинг тажрибаси бирлашмада кенг оммалашиб бормоқда.

Бошқа бригадаларнинг аъзолари бу ерга тез-тез келиб туришади. Улар илғор усуллар, моделларни технологик ишловдан ўтказиш, меҳнатни ташкил этиш тажрибасини ўрганади-лар. Оталиқдаги ҳунар-техника билим юртининг ўқувчилари практикага келишади. Бу потокни ҳақли равишда сифат мактаби деб аташ мумкин. Мана, бир йилдирки, бу ерда юз процент маҳсулот юқори сифатда тайёрланмоқда. Ваҳоланки, планда 99,7 процент назарда тутилган. Шу йилнинг ўтган тўрт ойи мобайнида ўнта янги модель ўзлаштирилди ва 400 минг сўмликдан зиёд маҳсулот тайёрланди.

Коллектив эришган муваффақиятда бригада бошлиғи М. Соатова, тикувчи-мотористка М. Абдувоҳидова, С. Собирова, Н. Қодирова сингари бошқа илғор ишчиларнинг ҳиссалари катта.

Бирлашмада реконструкция, ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан қайта қуроллантириш, сифат потогидаги тажрибани бойитиш назарда тутилган. Йилнинг охирига бориб, корхонада яна икки технологик поток янги системага ўтказилади. Бу албатта, маҳсулот сифатини яхшилашга катта таъсир кўрсатади. Бу бизнинг яқинлашиб келаётган КПСС XXVII съездига муносиб совғамиз бўлади.

СУРАТЛА Р Д А: юқори сифат потогида; тикувчи-мотористка Б. Сингилхўжаева.

Т. Каримов фотолари.

• Олий ўқув юртларида

КУТУБХОНА ИШЛАЯПТИ

Қандайдир бир баҳона бўлиб, ТошДУнинг Студентлар шаҳарчасидаги кутубхона ишламайдиган бўлиб қолди. Унинг фақат айрим бўлимлари соат 16 гача номигагина ишлаяпти. Кутубхона нормал ишлашини йўлга қўйишнинг иложи йўқмикан?

Бир группа студентлар.

Г. ГЛАДКОВ,
В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетининг илмий кутубхонаси директори.

— Чиндан ҳам илмий кутубхона 1984—1985 йилнинг қиш фаслида нормал ишламади. Иссиқлик системаси носозлиги сабабли ҳоналардаги ҳарорат ўта паст бўлди. Шу боисдан кутубхона биноси маориф ходимлари касаба союзи Марказий Комитетининг меҳнат бўйича техник инспектори томонидан ёпиб қўйилди.

Илмий кутубхона биноси ёпилиши муносабати билан университет ректорининг буйруғи чиқарилиб, кутубхона ходимлари китоб-хонлар билан ишлашни яхшилаш учун филиалларга командировка қилинган эди.

Ҳозирги кунда илмий кутубхона икки сменада нормал ишлаб турибди. Янги ўқув йили арафасида (1985 йил сентябрь ойигача) бу кутубхонани университетнинг бош маъмурий корпусига ўтказиш режалаштириляпти. Келгуси беш йилликда илмий кутубхона учун янги бино қурилиши кўзда тутилган.

• «Тошкент оқшоми»га жавоб берадилар

ЕРТЎЛАДАГИ СУВ ҚУРИТИЛДИ

Оқшомхон Э. Галимова редакцияга хат йўллаб, Юнусобод массивининг 14-кварталида жойлашган 7-уйининг ертўласи сувга тўлиб ётганлиги ҳақида хабар қилган эди. Бу шикоят хати Киров район Совети ижроия комитетига текшириш ва чора кўриш учун жўнатилган эди. Унга жавоб олинди.

«Район Совети ижроия комитети Э. Галимованинг шикоятини кўриб чиқди. Ертўла сувдан тозаланди. Шунингдек, иситиш мавсумида шу сув босими паст бўлган эди. Айни пайтда бу изга туширилди. Ертўла қуритилиб, санитария ишловидан чиқарилди».

Р. ҲИКМАТУЛЛАЕВ, Киров район Совети ижроия комитетининг раиси.

ҚОНУН—ИЧКИЛИКБОЗЛИККА ҚАРШИ

Социалистик тузумнинг бунёдкорлик кучлари тобора тўла-тўкис намоён бўлаётган ҳозирги вақтда коммунистик ахлоқ принципларига қатъий риоя этиш, зарарли сарқитларни, аввало, спиртли ичимликлар истеъмол қилиш каби хунук ҳодисаларни бартараф этиш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Партия билан давлатнинг яқинда қабул қилган муҳим қарорлари шу социал иллатни турмушимиздан қатъиян суриб чиқаришга қаратилган. СССР Олий Совети Президиумининг «Ичкиликбозликка қарши курашни кучайтириш тўғрисидаги» Фармони 1 июндан кучга кирди. СССР юстиция министри Б. В. Кравцов алкоголизмга қарши курашнинг ҳуқуқий жиҳатлари ҳақида гапириб берди.

— Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ходимлари ичкиликбозлик сабабли келиб чиқадиган жамики салбий оқибатларга ҳаммадан кўра кўпроқ дуч келадилар. Бу иллатнинг социал жиҳатдан хавфли экани, аввало, шундан иборатки, у одамларнинг сиҳат-саломатлигига, айниқса, ёш авлодга ҳаддан ташқари ҳалокатли таъсир қилади. Ичкиликбозликнинг халқ хўжалигига етказадиган зарари миқдорини аниқлаш қийин, умуман, аниқлаб ҳам бўлмайди. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, спиртли ичимликлар сотишдан тушадиган даромадни давлат, жамият кўраётган зиёнга асло таққослаб бўлмайди.

Совет давлати халқнинг хоҳиш-иродасини ифодалаб, ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш, самогон қилишни батамом тугатиш соҳасидаги самарали курашни таъминлашга қаратилган бир қанча қонун актларини қабул қилди. Шуни уқтириб ўтиш керакки, спиртли ичимликларни суиистеъмол қилувчи шахсларга нисбатан таъсир ўтказишнинг ҳуқуқий чоралари илгари ҳам қўлланилган эди. Бироқ башарти ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органларнинг бу соҳадаги фаолияти ҳақида гапириладиган бўлса, бу фаолият ҳамиша ҳам самарали бўлмаганини тан олмоқ керак. Ҳуқуқбузарларга қарши қонун етарлича қатъият ва изчиллик билан қўлланилмади. Спиртли ичимликлар билан савдо қилиш қоидаларини бузиш ҳолларининг пайи кўпинча қирқилмади, самогон қилишда айбдор бўлган ҳақиқий кишиларнинг ҳаммаси ҳам фош этилмади. Бир қанча жойларда ичкиликбозликнинг олдини олиш соҳасидаги ишда меҳнат коллективлари, ичкиликбозликка қарши кураш комиссияларини билан мустаҳкам ўзаро алоқа йўлга қўйилмади.

Яна қабул қилинган қонунлар ички ишлар органларининг, судларнинг шу хунук ҳодисага қарши курашдаги имкониятларини кенгайтиради. Чунончи, жамоат жойларида, айниқса, ишлаб чиқаришда спиртли ичимликларни ичганлик ёки маст ҳолда пайдо бўлганлик учун янада қаттиқ жавобгарлик белгиланди. Мастерлардан, участкаларнинг, сменалар, цехларнинг бошлиқларидан ва бошқа раҳбарлардан қонун йўли билан жавоб талаб қилиш оширилди. Ишлаб чиқаришда қўл остидаги кишилар билан ичкиликбозликда қатнашганлиги учунгина эмас, шу билан бирга маст ҳодимни ишдан четлаштириш чораларини кўрмаганликлари учун, шунингдек, қўл остидаги кишининг спиртли ичимлик ичганлиги ёки ишда маст ҳолда пайдо бўлганлигининг лоақал биронта ҳодисасини яширганлик учун ҳам жавоб талаб қилинади. Бундай тартибузарликлар учун, очиғини айтганда, анчагина миқдорда — 50 сўмдан 100 сўмгача штраф белгиланди.

Белгиланган ҳуқуқий норма бошқа чоралар билан бир қаторда корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва бирлашмалардаги барча бўғин раҳбарларининг бевосита иш жойларида дуруст тартиб ва интизомни таъминлаш учун бўлган масъулиятини оширишга ҳар томонлама кўмаклашиши лозим.

Автомобиль, трактор ёки бошқа транспорт воситаси рули маст одамнинг қўлига тушган ҳолларда кўпинча одамларнинг ҳалок ва майиб бўлиши билан боғлиқ бўлган жуда оғир оқибатлар келиб чиқади. Бундай қонун бузиш ҳолларига қарши жуда шафқатсизлик билан курашиш лозим. Бундан буён транспорт воситаларини маст ҳолатда ҳайдаш фактининг ўзи учун, ҳатто ҳеч қандай оқибат келтириб чиқармаган тақдирда ҳам 100 сўм миқдорида штраф солинади ёки бир йилдан уч йилгача муддатга машина ҳайдаш ҳуқуқидан маҳрум этилади. Транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқига эга бўлмасалар ҳам, маст ҳолатда машина ҳайдаган кишиларга — 100 сўм миқдорида жарима солинади.

Бир йил давомида қонунни шу тарзда такрор бузиш энди жиноят деб ҳисобланади. Айбдорлар судга берилади. Уларга 300 сўм миқдорида штраф солиш тариқасида ёки икки йилгача муддатга ахлоқ тузатиш ишларига юбориш ва ҳатто бир йилгача озодликдан маҳрум этиш тарзида жазо тайинланиши мумкин. Аммо бунда машина ҳайдовчи уч йилдан беш йилгача муддатга транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан муқаррар маҳрум қилинади.

Транспорт воситаларининг техникавий ҳолати ва ишлатилиши учун масъул бўлган мансабдор шахслар зиммасига йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва турлитуман кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш учун алоҳида жавобгарлик тушади. Айни шу боисдан қонунда маст кишини рулга йўлатганлик учун бундай шахсларга — 100 сўм штраф солинади. Башарти қонунни мана шундай тарзда бузиш ҳолати автотранспорт билан боғлиқ жиноят содир бўлишига олиб борса, мансабдор шахс ҳам жиноий жавобгарликка тортилади.

Балоғатга етмаганларни ичкиликка жалб этган ота-оналар, катта ёшдаги бошқа кишиларнинг маъмурий, шунингдек, жиноий жавобгарлиги анча кучайтирилади. Бу ғоят муҳим ва ўз вақтида чиқарилган қарордир.

Ҳозир самогон қилишни, такрор айтаман, самогон қилишни таг-туби билан тугатиш вазифаси қўйилмоқда. Шундай қилмай туриб, ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши муваффақиятли кураш олиб бориш қийин, жуда қийин.

Хонаки самогон, чача, арақ, тут арағи, брага ва бошқа ўткир ичимликлар тайёрлаш халқ хўжалигига катта зиён етказади — танархидан кўра пастроқ чакана баҳода сотиладиган кўп миқдордаги озиқ-овқат маҳсулотлари сарф бўлади. Фармонга мувофиқ мана шундай спиртли ичимликлар тайёрлаганлик учун масъулият оширилади.

Ичкиликбозлик фактларининг олдини олишга ва пайини қирқишга қаратилган чоралар орасида спиртли ичимликлар билан савдо қилиш қоидаларига қаттиқ риоя этилиши катта аҳамиятга эгадир. Бунда ичимликларни корхона ва қурилишлар, ўқув юртлари, ётоқхоналар, болалар муассасалари, маданий муассасалар ва томошахоналар яқинида, меҳнаткашлар оммавий сайр қилиб ҳордиқ чиқарадиган жойларда сотишни тақиқлаш тўғрисида гап бормоқда. Уларни сотишнинг муайян режими белгиланди. Спиртли ичимликларни 21 ёшга етмаган йигит-қизларга сотиш тақиқланади. Яқин келажакда амалга ошириладиган бошқа бир қанча чеклашлар ҳам белгиланди.

(ТАСС).

ХАТ БОСИЛМАДИ, АММО ЧОРА КЎРИЛДИ

ВИГОВОР БЕРИЛДИ

Газетхон А. Омонов редакцияга йўллаган мактубида 91-«в» маршрути бўйлаб қатновчи автобус ҳайдовчиси йўловчиларни ташиш қоидасини бузганлигини баён қилган эди. Хат текшириш ва чора кўриш учун «Главташпасса в т о»трансига юборилган эди.

Бош бошқармадан олинган жавобда хабар қилинишича, хатда баён этилган фактлар рўй берганлиги аниқланди. 8-автобус парки бўйича чиқарилган буйруқ билан пассажирларни автобусга чиқариш ва тушириш қоидасини бузганлиги, қўпол муомалада бўлгани учун ҳайдовчи Б. Нормирзаевга виговор эълон қилинди. У йил якунлари бўйича мукофотдан маҳрум этилди.

Пассажирларга хизмат кўрсатишни яхшилаш юзасидан қўшимча чоралар кўрилди.

РЕСПУБЛИКАМИЗДА АНЪАНАВИЙ ПУШКИНХОНЛИК КУНЛАРИ



ПОЭЗИЯ ҚУЁШИ

Александр Сергеевич Пушкиннинг ёрқин асарлари нуридан фақат мамлакатимиз кишиларигина эмас, балки шеъриятни севган, эъзозлаган дунё халқлари ҳам маънавий озуқ олиб келмоқдалар. Пушкин ўз асарларининг жаҳон бўйлаб ёйилиб, қўшиқ бўлиб айтилишини орзу қилган эди. Пушкин орзу этган ажойиб замон келди. Унинг асарлари тиллардан-тилларга, дилдардан-дилларга кўчиб, эндиликда умрбоқийлик касб этмоқда.

Бутуниттифоқ Пушкин шеъриятининг анъанавий тантаналари мамлакатимизда ҳар йили ўтказилмоқда. Турли хил маданий ва адабий тадбирлар амалга оширилмоқда. Шундай йиғинларда Алишер Навоий номидаги адабиёт музейи ходимлари ҳам фаол иштирок этмоқдалар. Музейда Пушкин ҳаёти ва ижодининг баъзи қирраларини акс эттирувчи махсус кўчма кўргазма ташкил қилинган. Пушкинхонлик кунларида музей ходимлари турли ташкилот ва муассасаларда кўчма кўргазма уюштириб, лекция ҳамда суҳбатлар ўтказадилар. Кўргазма илмий-тематик план асосида тузилган бўлиб, Пушкин ҳаёти ва ижоди тўғрисида бой маълумот беради.

Республикамизнинг таниқли мўйқалам соҳиблари В. Зияев ва М. Воронскийлар улуғ даҳо сиймосини қайтарилмас рангларда моҳирона яратганлар. Кўргазмадан А. С. Пушкин портретлари ўзига муносиб ўрин эгаллаган. Портретлар турли услубда ишланган. Кўргазмада намойиш қилинаётган «Евгений Онегин», «Полтава», «Ўлик малика ва етти баҳодир ҳақида эртак», «Белкин қиссалари», «Эртаклар», «Капитан қизи», «Мис чавандоз», «Руслан ва Людмила» номли китоблар фикримизга мисол бўла олади. Бу асарлар ўзининг эрксеварлик руҳи, чуқур оптимизми, руҳий тетиклиги, инсонга, халққа ишончи фикрий теранлиги, саммий ва эҳтиросли туйғуси ҳамда ўз йўлида ягона бўлган юксак бадиий формаси билан ҳанузгача китобхон маънавий дунёсини бойитиб келмоқда.

Суратлар кўргазманинг асосини ташкил этган бўлиб, ўзининг ноёблиги жиҳатидан алоҳида аҳамият касб этади. Уларда шоир ҳаёти ва фаолиятининг турли босқичлари мангуликкa муҳрланган. Суратлар адабиёт ихлосмандларининг «Н. О. Пушкина» (Пушкиннинг онаси) номли асаридан олинган суратлар алоҳида қизиқиш билан томоша қилинади. Шунингдек, Пушкиннинг «Борис Годунов» асарига П. Алякринский ишлаган «Шоҳ Борис ва девона», П. Соколова-Скаля чизган «Трагедиянинг сўнгги саҳнаси» сингари расмлар ҳам кўргазмага ўзгача жозиба бахш этган. Суратлар орасидаги «Кавказ асири» поэмасига Пушкин ўз қўли билан ишлаган расмнинг фото нусхаси, жумладан, «А. С. Пушкин Смиридин уйида», И. Репин ва И. Айвазовский яратган «Алвидо, зўр қудрат — асов ғалаён!» номли расмлар ҳам томошабинларга манзур бўлиб келмоқда.

Матнли материалларда Пушкиннинг илҳомбахш шеърларидан парчалар ўқиш мумкин:

Дўстгинам, Ватанга жонни тикканмиз,
Кўнгил орзулари фидо ўшанга...

Ёки шоирнинг «Ҳайкал» шеъридаги ушбу:

Узоқ замон қилажак
бу халқ менга ҳурматин,
Чунки рубобим билан
эзгу ҳислар туғдирдим,—

мисралари адабиёт мухлислари хаёлида яна бир бор жаранглаб, улар қалбидан мустаҳкам ўрин олади.

Буюк шоирнинг хотира тантаналарида музей илмий ходимлари, унинг улуғ истеъдоди ҳақида йиғилғанларга қизиқарли ва мароқли лекция ўқийдилар. Рус ва ўзбек тилларида ўқиладиган бу маърузалар «Ўзбек шоирлари ижодида Пушкин образи», «Пушкин ва Шарқ» деб номланган. Лекция ва суҳбатлар қизғин савол-жавоб, баҳс-мунозара ҳамда шеърият кечасига уланиб кетади. Шу пайт беихтиёр киши хаёлида шу фикрлар туғён қилади: Пушкин бугун халқимиз орасида. Халқимизнинг ҳамсуҳбат дўсти, нафосат даҳоси, севимли шоири бўлиб, туғилган кунининг тантаналарини кўрмоқда.

Б. ВАЛИЕВ,
Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон ССР Давлат адабиёт музейининг илмий ходими.

А. С. ПУШКИН Онегиннинг Татьянага мактуби

(«Евгений Онегин» шеърий романининг янги таржимасидан парча).

Бари аён: таҳқирлар сизни
Ушбу мунглиғ сирлар баёни.
Беомон бир ғазаб тўфони
Чулғар мағрур нигоҳингизни!
Не истайман? Не мақсад билан
Дил очурман сизга бемалол!
Бир аламли қувончга, билмам,
Мен йўл бериб қўйдим, эҳтимол
Қўққис сизни учратиб бир кез
Меҳр нурини пайқадим-у, тез
Ишонмакка чоғланмадим ҳеч:
Хуш одатим йўли беркилди;
Мен ўзимнинг дилгир эркимни
Иўқотмакни хоҳламадим ҳеч.
Яна бир ҳол айирди бизни...
Қурбон бўлди Ленский, афгор...
Дилга яқин ҳар нимаки бор,
Шундан кейин кўнглимни уздим;
Мен ётсираб юрдим. Азоб бу.
Ўйладимки, эрк, ором таноҳ
Бахтга эваз бўлур. О, жудо!
Қандай хато, қандай жазо бу...
Йўқ, йўқ, сизни кўрмак сафоси,
Изнигиздан қолмай қувламак,
Лаб кулгусин, кўзлар имосин
Ошиқ кўзлар ила овламак,
Узоқ боқмак сизнинг жуссага,
Дилдан туймак — не камолат бу,
Қаршингизда қотмак гуссада,
Бўзармак ва сўнмак... роҳат бу!
Мен шундай ҳам маҳрумман,
фақат
Судраламан айлаб таваккал,
Кун — ғанимат, соат — ғанимат,
Мен-чи, исроф этаман маҳтал
Тақдир санаб берган кунларни,
Асли заҳми зўрдир уларнинг.
Мен биламан, умримда бор ҳад,
Лекин уни чўзиб юрмакка —
Тонгда амин бўлмаклигим шарт
Кундуз кун сизни кўрмакка...
Қўрқаман, бу ожиз ўтинчда
Нигоҳингиз кўрмасин яна
Манфур макр-ҳийлани ҳеч-да,
Ва қилмангиз ғазабкор таъна.
Билсайдингиз, нақадар даҳшат
Муҳаббатга зорлик жаҳонда;
Ёнмак, ақл ила ҳар соат
Туғёнларни сўндирмак қонда;
Тизларингиз армондир қучмак,
Нола айлаб пойингизда зор,
Илтижо-ю надомат сочмак;
Тўкмак, дилда яна неки бор;
Ваҳки, сохта сиполик билан
Қуролланмиш нутқу нигоҳим;
Заруратан, сўйлашиб соқин,
Боқмак сизга шодонлик билан!..
Ўзимга энд бормоғим оғир,
Ночордирман ушбу кезда ман;
Қарорим шул: изимингиздаман,
Мен тан бердим тақдирга охир.

Мирза КЕНЖАБОЕВ таржимаси.

ОИЛА ДАВРАСИДА СУҲБАТЛАР

Тўй — фаровонлик белгиси. Яхши ва мазмунли тўй ҳамманинг хотирасида сақланиб қолади. Совет турмуш тарзимизга ярашган, ихчам, кўнгилли, чиройли ўтаётган тўйлар ҳаммани хушнуд этади. Баъзилар тантана файзини дабдабабозлик, столларга қўйилган ичимлик, ортиқ даражадаги нозу-неъматларда деб ўйлашади. Бу нотўғри тушунча. Дабдабасиз, исрофгарчиликсиз, ичкиликсиз, ихчам ва камтарона ўтказилган тўйга нима етсин! Ичкиликбозлик эса, файзли тўйларимизга доғ туширади.

КПСС Марказий Комитетининг «Ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш тадбирлари тўғрисида»ги Қарори фаровон турмушда учраб турадиган сарқитларни йўқотишга, турмуш тарзимизни гўзаллаштиришда муҳим омил бўлмоқда. Ичкиликсиз тўй-йиғинлар ўтказиш нақадар файзли бўлишини ҳаёт ўзи кўрсатиб турибди. Лекин баъзи кимсалар буни назар-писанд қилмай, тўй билан ном чиқариш учун ортиқча дабдабабозлик ва исрофгарчиликларга йўл қўйишмоқда.

Яқинда файзли, ичкиликсиз ўтган бир тўйда бўлдик.

Октябрь районидаги Хувайдо маҳалла клуби меҳмонлар билан тўла. Маҳалла клуби пештоқига «Хуш келибсиз, азиз меҳмонлар» деб ёзилган қизил алвон осиб қўйилган. Мезбонлар узоқ-яқин маҳаллалардан, турли муассаса ва ташкилотлардан келаётган меҳмонларни самимийлик билан кутиб олишяпти. Катта ҳовли саҳнида безатилган столлар, гуллар чўғдек яшнаб турибди. Карнай, сурнай, ноғора ва доира садолари янграйди. Даврага ташриф буюраётганлар олтин тўйларини нишонлашаётган Нишон ака билан Хатирахон аяни дастадаста гуллар билан қутлашади.



ТОШКЕНТ—ЯНГИЧА АНЪАНАЛАР ШАҲРИ

ТУРМУШИМИЗ ФАЙЗИ

Табаррук бу икки қария билан меҳмонлар маҳаллада номаълум солдат хотираси учун ўрнатилган ёдгорлик пойига гулчамбарлар қўйишади. «Тўйлар муборак» қўшиғи остида «келин-куёвлар» даврa тўридан жой олишади.

Кечани бошқараётган Ленин орденли Ҳамза номли ўзбек Давлат академик драма театрининг санъаткорлари Эркин Комилов ва Пўлат Носировлар тўй сабабчиларини республика санъаткорлари номидан табриклашади. Олтин тўйини нишонлаётган Нишонбой Асадов ва Хатирахон аяларнинг ибратли ҳаёт йўли мароқ билан гапирилди.

Нишон ака 1934 йилда Тошкентдаги Ленин номли педагогика билим юртини тугатиб, Мирзачўлдаги «Политотдел» колхозида ўқитувчилик қилди, савдосизликни тугатиш курсларида дарс берди. 1940 йилда ҳарбий хизматга чақирилиб, Улуғ Ватан урушида мардларча жанг қилди. Шу йиллари Коммунистик партия сафига ўтди. Батальон командири даражасига кўтарилган Нишон ака Асадов 1943 йил 5 сентябрда Смоленск областидаги қирғин жангларнинг бирида оғир яралар бўлади ва шу туфайли ҳарбий хизматдан озод қилинади.

Урушдан кейинги тинч қурилиш йилларида у бир қатор масъул вазифаларда ишлади. Мана бир неча йилдирки, Хувайдо маҳалла комитетига уруш ва меҳнат ветерани Нишон ака бошчилик қилиб келмоқда. Унинг раислигида маҳалла территориясининг қиёфаси тубдан ўзгарди, кўкаламзорлашди, гўзаллашди, Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган жангчилар хотираси учун ёдгорлик тоши ўрнатилди.

Нишон ака Ватан уруши жангларидаги жасорати учун қатор медаллар, самарали меҳнатлари учун эса Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг иккита Фахрий ёрлиғи ва иккита юбилей медали билан мукофотланди.

Унинг рафиқаси Хатирахон ая Исматуллаева 7 фарзандни оналик меҳри билан ардоқлаб ўстирди.

Кеча раиси навбатни санъаткорларга берди. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ғуломжон Ёқубов дилрабо қўшиқлар ижро этади, рақсида «Баҳор» ансамблининг қизлари хиром қилишди. Октябрь район ЗАГС мудири М. Шарипова эса «куёв-келин»нинг бармоқларига олтин узуклар тақиб қўйди.

Файзли-тароват л и, ўйин-кулги, хушчақчақлик, шодон кайфият билан ўтган бу кўнгилли тантана меҳмонмезбонларда яхши таассурот қолдирди. Хувайдо маҳалласида тўйлар, тантаналар ана шундай файзли, кўнгилли, энг муҳими ичкиликсиз ўтмоқда.

Э. ҚОДИРОВ,
СССР Журналистлар союзининг аъзоси.

ТОШКЕНТНИНГ СПОРТ МАЙДОНЛАРИДА

ФЕСТИВАЛГА БАҒИШЛАБ

Сергели районидаги коммунистик шанбаликнинг 50 йиллиги номидаги боғда ёшлар ва студентларнинг XII Жаҳон фестивалига бағишланган спорт ва маданият байрами ўтказилди. Беллашувлар ниҳоятда қизиқарли ва завқли бўлди. Бир километр масофага ўтказилган оммавий кросс баҳсида 13 команда иштирок этди. Командаларнинг составида ўқувчилар, студентлар, ишчи ва хизматчилар бор эди.

Қатнашчилар учун икки марта старт берилди. Биринчисида ўрта ва катта ёшдаги спорт мухлислари иштирок этишди. Маррага 57-ЖЭУ вакили Л. Загидулин биринчи бўлиб келди. Кейинги совринли ўринларни Тошкент ҳисоб-бухгалтерия техникумининг ўқувчилари Ш. Тошбоев ва Н. Жиянбеков эгаллади.

Иккинчи группа қатнашчилари орасида маррага 8-ўрта мактабнинг ўқувчиси Павел Бойков биринчи бўлиб етиб келди. Ўрта Осиё медицина-педиатрия институтининг студенти С. Сиддиқалиев иккинчи ўринни эгаллади. 8-ўрта мактабнинг яна икки вакили А. Золин ва Э. Караев бир хил натижа билан учинчи ўринни эгаллашди.

Оммавий кросс мусобақаларида районда ишлаб турган дзюдочилар секциясининг қатнашчилари бўлган қизлар ҳам иштирок этишди.



«Буревестник» кўнгилли спорт жамиятининг «Ёшлик» спорт аренасидаги базасида ҳар куни баҳслар ўтказиб турилади. Улар жиддий беллашувлар олдидан ўзига хос синов машғулотни вазифасини ўтайди.

СУРАТДА: манежда қиличбозлар, секциядаги тажрибали тренерлардан бири Борис Либерман (ўнгда) спортчига навбатдаги кўрсатмаларни бермоқда.

Ҳ. Мирзакаримов фотолари.

● ФАРЗАНДЛАРИНГИЗ УЧУН

ҲАММА ЯХШИ НАРСАЛАР БОЛАЛАРГА

Ҳамма яхши нарсалар,
Болаларга.
Болаларни ўстирган,
Оналарга.
Ҳамма яхши шеърлар ҳам,
Болаларга.
Болаларни ўстирган,
Оналарга.
Оналари бор бўлсин,
Болаларнинг.
Болалари бор бўлсин,
Оналарнинг.
Асрайлик биз болаларни,
Ғуборлардан.
Ёмон ишлар ва таҳқирлик,
Муз-қорлардан.
Ҳаётимиз йўлдузлари —
Гули улар.
Эртамизнинг порлоқ, ёруғ,
Иўли улар.
Дард қўймасин болаларнинг,
Юрагига.
Ғов бўлмасин ҳеч бир нарса,
Тилагига.
Ўқиб-ўйнаб ўсаверсин,
Дуркун-дуркун.
Бола билан бу дунёнинг,
Баҳри бутун.
Мардлик ҳисси юрагида,
Урсин туғён.
Келажакда Чапаевдек.
Бўлсин ўғлон.
Қизларимиз Зоядек.
Ботир бўлсин.
Ҳар бир ишга жонкуяр ва
Қодир бўлсин.
Яхши фарзанд юрт қучоғин.
Боғ этади.
Ота-она кўкрагини,
Тоғ этади.
Болаларни шундай севган,
Ленин бобом.
Болаларга шундай деган
Ленин бобом.
Омон бўлсин ер юзининг,
Болалари.
Гулга тўлсин ўйнаб ўсган
Далалари.

Саодат ТОЖИ.

● Шифобахш ичимликлар

ОЛЧА ВА ЎРИК КОМПОТИ

Олча билан ўрикни тенгма-тенглаб совуқ сувда ювиб юборасиз. Кастрюлкага қанд солиб, бир оз иссиқ сув билан эритасиз ва совуқ сув қуйиб оловга қўйиб қайнатасиз, сўнг меваларни солиб яна бир қайнагач, оловдан олиб қопқоғи ёпилган ҳолда совутасиз. Дастурхонга тортишдан олдин стаканларга қуйиб холодильникка қўйсангиз ҳам соз бўлади.

Компот учун: 200 грамм олча, 200 грамм ўрик, бир стакан шакар, бир литр сув керак.

«РОҲАТИЖОН»

Ёзнинг иссиқ кунларида холодильник музини ёки табиий музни қиргичда қирасиз (қирилган муз эриб кетмай қорга ўхшаб турсин). Мана шу қирилган музларни ликоп ёки вазаларга солиб юзига шинни ёки меваси олинган қиём қуйиб дастурхонга тортасиз.

Роҳатижонга: 500 грамм муз учун 100 грамм ширинлик етади. Асал ва сода солиб кўпиргунча яна аралаштирасиз. Кейин ун солиб қорилади. Ярим соат тиндириб қўйилади. Тайёр хамирни еттита бир хил бўлакка бўлиб чиқасиз. Формага ёки духовка патнисига сиғадиган қилиб, думалоқ шаклда жўвалаб тайёрланади. Ҳар бирини озроқ ўртача оловда пиширib оласиз-да, кремни тайёрлайсиз. Унинг ярмига какао қўшиб қорилади. Пиширилган ҳар бир япроқ орасига тайёрланган крем суртишга тўғриланади. Ёнғоқни майда қилиб тайёрлаб, кремнинг ярмига икки ош қошиғидаги какао қўшилади. Энди бир япроқ пирогнинг устига оқ кремдан суртиб, иккинчисига эса какаоли крем суртилади-да, ёнғоқ сепилади, устига яна бир япроқ қўйилиб оқ крем суртилади...

Шундай ҳолатда етти қават бўлгандан сўнг, устига крест шаклида оқ ва қора крем ёнғоқлари суртилади, иссиқ духовкага 3 минут қўйилади ва олиб совутилади.

«Камалак» деб номланган бу торт дастурхонни чиройли безайди. Ўз хоҳишингиз билан уни катта ёки кичик шаклда тайёрлашингиз мумкин, бу эса сизнинг пазандалик санъатингизга боғлиқ, албатта.

О. КАРИМОВА,
инженер-технолог.

● Оқшом дастурхонига

«КАМАЛАК» ТОРТИ

«Камалак» деб аталган торт ниҳоятда хуштаъм бўлади. Уни тайёрлаш учун кераклн масаллиқларни тайёрлайсиз:

Ун —3 стакан, маргарин —250 грамм, тухум —3 дона, ичимлик содаси —1 чой қошиқ, асал —2 ош қошиқ, ванилин —1 чой қошиқ, шакар— 1 стакан, какао —2 ош қошиқ.

Крем учун: 1 стакан сут, ярим стакан шакар, 2 дона тухум, 200 грамм сарнёғ ва 1 стакан ёрёнғоқ.

Тайёрлаш технологияси: маргаринни эритиб, шакар солиб яхшилаб аралаштирасиз. Шакар эриб кетиши керак.

БУ—ҚИЗИҚ

● Жавдарн, арпа, сулмдан тайёрланган озиқ-овқат маҳсулотларн бундан қарийб ўн беш минг йил илгарн пайдо бўлган. Олижаноб новвойлик касбн вакилларидан бирининг ҳайкалчаси бизнинг давримизгача етиб келган. Хамир қорувчини тасвирловчи мазкур ҳайкалча Мисрда топилган бўлиб, Гиза шаҳри музейида сақланмоқда. Нон ёпиш санъатини мисрликлардан греклар, сўнгра римликлар ўрганишган. Қадимги Грецияда нонга илоҳий ҳурмат билан муносабатда бўлишган. Уларда нон емаган одам катта гуноҳ қиляпти, у албатта маъбудалар томонидан жазоланади, деб ҳисоблашган.

● Қадим замонларда қотган нонга ошқозон касалликларнинн давоповчи энг яхши дорн деб қарашган.

● Арктикадаги оқ айиқларнинг сонн кўпайиб қолди. Олимларнинг Врангель оролида олиб борган тадқиқотларн шундай хулоса чиқаришн имконинн беради. Мазкур орол айиқларнинг энг катта «туғруқхонаси» ҳисобланади. Ҳар йили сентябрь-октябрь ойларида бу ерда 150—250 урғочи айиқ ўз уяларида уйқуга кетади. Қишда уларнинг ҳар бирида 1—3 тадан бола пайдо бўлади.

● Айтишларига қараганда, Японияда ҳар икки кишидан бирн шеър ёзар экан. Дастлабки «Сон-саноқсиз япроқлар тўпламн» поэтик антологиясн VIII асрда яратилган эмиш. Танка ва хокку Япониядагн энг машҳур поэтик жанрлардан ҳисобланади. Танка 31 бўғин ва беш сатрдан иборат, хокку эса 17 бўғин ва уч сатр шеърдан иборат.

Тўпловчи Р. ХУСНУЛЛИНА.

МАКТАБ ХАНДАЛАРИ

АНАТОМИЯ ДАРСИДА

Ўқитувчи: — Одамнинг ҳид билиш органн ҳақида гапириб бер!

Ўқувчи: — Меннг бурнм ойм нимa овқат пиширaётганнни дарров биладн.

ТАБИАТ ДАРСИДА

Ўқитувчи: — Фасллариn қандай аниқлаймиз?

Ўқувчи: — Календарга қараб аниқлаймиз.

АДАБИЁТ ДАРСИДА

Ўқитувчи: — Эртаклардаги ҳайвонларда одамларнинг қандай хислатларн нфодаланади!

Ўқувчи: — Тулки айёр, қуён қўрқоқ, аждоҳо беш бармоғини оғзига тиқадиган одамларга ўхшатилади.

МАТЕМАТИКА ДАРСИДА

Ўқитувчи: — Ньютон кнм эдн!

Ўқувчи: — У ернинг таянч нуқтасини кўп қидириб тополмаган.

ЗООЛОГИЯ ДАРСИДА

Ўқитувчи: — Иқлим ўзгарганнни океандаги балиқлар қандай билишади!

Ўқувчи: — Улар океаннинг у бурчагидан бу бурчагига сузиб ўтиб билишади.

ФИЗИКА ДАРСИДА

Ўқитувчи: — Осмондаги булутлар нимадан пайдо бўлади!

Ўқувчи: — Самоварлар буғидан...

ТАБИАТШУНОСЛИК ДАРСИДА

Ўқитувчи: — Қишда кунлар нега қисқа бўлади!

Ўқувчи: — Совуқда чана, коньки учаётган болалар тезроқ уйига кирсин учун...

Собит ҒАФУРОВ
тайёрлаган.

● Ичкиликка ўт очайлик!

КАЙФ АЛАНГАСИ

Спиртли ичимликларни истеъмол қилиш кишилар соғлиғи ва жамият учун қанчалар зарарли эканлиги азалдан маълум. Лекин била туриб бу хавфли иллатга қарши ҳамиша ҳам уюшқоқлик ва ижчилик билан курашаётганимиз йўқ.

КПСС Марказий Комитетининг «Ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш тадбирлари тўғрисидаги қарори ва СССР Олий Совети Президиумининг «Ичкиликбозликка қарши курашни кучайтириш тўғрисидаги Фармони ҳаммамиз учун айни муддао бўлди. Бу ҳужжатларда кўзда тутилганидек, жамиятимиз учун ғоят хавфли бўлган ичкиликбозликка барҳам берилса, фақатгина инсон саломатлигидан ташқари завод, фабрика, жамоат муассасалари, уй-жой биноларини, қолаверса минглаб кишилар ҳаётини ёнғинлардан сақлаб қолган бўламиз.

Шу кеча-кундузда шаҳримиздаги жамоат бинолари ва аҳоли истиқомат қилувчи квартираларда бўлиб ўтган ёнғин сабаблари синчковлик билан ўрганиб чиқилганда, айрим граждайларнинг маст ҳолда жаҳолатга берилишлари ва чекиб ётиб ухлаб қолишлари оқибатида кўплагина ёнғинлар содир бўлаётганлиги аниқланди.

Чунончи, қисқа вақт ичида ичкиликбозлик туфайли рўй берган ёнғинларда бир неча киши ҳаётдан кўз юмди, ҳалол меҳнатлари туфайли орттирилган қимматбаҳо уй жиҳозлари кулга айланди, қолаверса айрим гражданларга моддий ва маънавий зарар етказилди. Фикримизнинг исботи учун бир мисол келтирайлик.

Ў. Тансиқбоев номли турар жой массивидаги 1-уйнинг 27-квартирасида яшовчи граждапнн Кудрявцев бир неча йиллардан бери ҳеч қаерда ишламайди. У ўзига ичкиликбозликни «касб» қилиб олган. Унинг маст ҳолда келиб тўполон кўтаришидан қўшнилар ҳам, хотини ҳам безор бўлишган. Лекин ҳеч ким уни бу хатарли йўлдан қайтаришга садқидилдан уриниб кўрмаган.

Яқинда у тунда маст ҳолда уйига қайтади. Уйда ҳеч ким бўлмайди. Кудрявцевнинг йигитлик ғурури қўзиб кетади. Кечагина мастлигида хотинини уриб ҳайдаб юборгани, туни билан уйни бошига кўтариб қўни-қўшниларни дам олишга қўймагани эсига тушиб бу «ғамхона» квартирани ёқиб юборишга аҳд қилади. Гўё шу йўл билан хотинидан қасдини олмоқчи бўлади. Шу ниятда гугурт қутисини олиб келиб, ўртага қоғозларни тўплайди-да, ўт қўяди. Тобора авж олаётган аланга устига жавондаги китобларни, шкафдаги кийимларни ташлай бошлайди.

Иши «ўнгидан келаётганидан кўнгли тўқ Кудрявцев ваннага кириб учиб ухлаб қолади.

Турсунбой Ёқубов бошчилигидаги навбатчи ўт ўчириш командаси фалокат юз берган ерга зудлик билан етиб келди. Ўт ўчириш бўлимларининг тез ва аниқ ҳаракати туфайли ёнғин содир бўлган хона ичида қолган фалокат сабабчисининг ҳаёти сақлаб қолинди ва ёнғин тезда ўчирилди.

Чилонзор район турар жой массивидаги 23-кварталнинг 27-уйида истиқомат қилувчи А. Бородинга қарашли 69-хонада, 25-кварталдаги 3-уйнинг Г. Рассевга тегишли 97-хонасида ва граждапнн Ю. Руиов истиқомат қилдирган 6-квартал, 3-уйнинг 11-хонадонида содир бўлган ёнғинлар ҳам спиртли ичимликларни ичишни ўзларига касб қилиб олган шахсларнинг айби билан содир бўлди.

Бу мисоллардан кўриниб турибдики, ичкиликбозлик туфайли жамиятимиз катта зарар кўряпти. Шундай экан, ичкиликбозликка қарши кураш ҳар биримизнинг бурчимиз бўлиб қолмоғи керак. Ана шундагина инсон ҳаёти ва жамиятимиз фойдасини кўзлаб иш тутган бўламиз.

Т. САМАТОВ,
Тошкент шаҳар ёнғиндан сақлаш бошқармасининг бўлим инженерн.

● Альпинизм

Сирли чўққилар чорлайди

Тошкент тўқимачилик комбинати ишчи ва хизматчилари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш борасидаги талабларни муваффақиятли уддалаш билан бирга дам олиш кунларини мазмунли ўтказишни ҳам яхши билишади. «Текстильшчик» спорт клубида ишлаб турган альпинизм секциясининг қатнашчилари ўз саломатликларини мустаҳкамлаш, ўлкамиз географиясини ўрганиш борасида жиддий ишлар қилишмоқда.

Секция ташкил этилганига деярли ўн беш йил бўлди. Шу муддат давомида уч СССР спорт мастери, ўн беш мастерликка кандидат ва юзлаб разрядли спортчилар тайёрланди.

Диққатга сазовори шундаки, ишчи ва хизматчилар альпинизм билан шуғулланиш билан бирга ишлаб чиқариш топшириқларини ҳам ошириб бажаришяпти. Гапнинг моҳияти шундаки, секция қатнашчилари шанба ва якшанба кунлари меҳнат қилиб, ойлик топшириқларини бажариб бўлганларидан сўнг 10—15 кун муддат билан сирли тоғлар қўйнига йўл олишади. Бу ерда ташкил этилаётган республика ва мамлакат чемпионатида иштирок этадилар.

Бу йил комбинат альпинистлари қомандаси 50 кишини ташкил этди. Команда совет халқининг Улуғ Ватан урушида қўлга киритган Буюк Ғалабасининг 40 йиллигига бағишлаб ўтказилган альпиниадада иштирок этди. Бош энергетика бўлимининг ишчилари Элмира Абибуллина, Саодат Зокирова ва 2-фабрика йигирувчиси Светлана Кинжена биринчи марта баланд чўққига кўтарилиб альпинистлар оиласидан жой олдилар.

— Бу йил, — дейди «Текстильшчик» спорт клубининг альпинизм бўйича тренери В. Жуков, — альпинистларимиздан ўн кишн Ленин чўққисига кўтариламиз. Вазифа ниҳоятда мураккаб, уни уддалаш учун ниҳоятда чиниққан кишилар бўлиш талаб этилади. Альпинизда мусобақалари катта синов вазифасини ўтади.

З. ДУСТМУҲАМЕДОВА.

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

3 Тошкент БЕТ ОҚШОМИ

7 ИЮНЬ, 1985 й.

ТОШКЕНТ ОТЧОПАРИДА

ҲАР ЯКШАНБА КУНИ СОАТ 11.00 ДА

ПОЙГА ВА УЛОҚ



ПРОГРАММАДА: анъанавий ва машҳур спортчилар номидаги мукофотлар учун мусобақа.

ОТЧОПАРДА ТУРЛИ КЎНГИЛОЧАР АТТРАКЦИОНЛАР ИШЛАВ ТУРИБДИ.

Мусобақаларда Ўзбекистон, Қозоғистон ва РСФСР колхозлари, совхозлари ва от заводларининг энг яхши отлари қатнашади.

От-спорт лотереяси (тотализатор) ўйналади.

Салқин ичимликлар билан савдо қилувчи буфетлар от спорти ишқибозлари хизматида бўлади.

«БЕГА» ресторанининг эшиклари кун бўйи очиқ.

Отчопарда отда сайр қилиш учун уларни прокатга олиш пункти бутун йил бўйи ишлаб турибди.

АҲОЛИДАН ТЎЙ ТАНТАНАЛАРИНИ ЎТКАЗИШ УЧУН РУС ТРОЙКАЛАРИГА БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Отчопарга кириш бепул.

АДРЕС: Тошкент шаҳар, Халқлар дўстлиги проспекти («Собир Раҳимов» метро станцияси 153, 172, 173 178, 180-автобусларнинг «Ипподром» бекати). Телефонлар: 76-76-28, 76-75-47.

ТОШКЕНТЛИКЛАР ДИҚҚАТИГА!

«МЕБЕЛЬ» ФИРМА МАГАЗИНИДА

7—8 июнь кунлари

ОЛМАЛИҚ МЕБЕЛЬ КОМБИНАТИ ВА ЯНГИЙЎЛ МЕБЕЛЬ ФАБРИКАСИ ИШЛАБ ЧИҚАРГАН

МЕБЕЛЛАР САВДО-КЎРГАЗМАСИ

ЎТКАЗИЛАДИ

Савдо-кўргазмага мебелларнинг қуйидаги турлари қўйилган:

ИИҒМАЛАР: **«Истиқомат хонаси», «Берестье» корпус мебели, юмшоқ мебеллар; шкафлар, икки ўринли ва болалар кроватлари; мактаб ўқувчилари учун шкафлар, диван-кроватлар, овқатланиш столлари.**

МЕБЕЛЛАР САВДО-КЎРГАЗМАСИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Юнусобод массиви, 8-квартал, 39-уй (25, 28, 29-трамвайлар; 24, 51, 60, 72, 82, 91, 97-автобусларнинг «Юнусобод колхоз бозори» бекати).

«ТАШГОРПРОКАТРАЗНОБИТ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

сизга банкетлар, юбилярларни шарафлаш, тўй ва бошқа оилавий тантаналарни ўтказиш учун

«ЎЗБЕКИСТОН» МАИШИЙ ХИЗМАТ УЙИ ҚОШИДАГИ 1-ВА АКМАЛ ИКРОМОВ РАЙОН МАИШИЙ ХИЗМАТ УЙИ ҚОШИДАГИ 2-ТАНТАНАЛАР УЙИ ЁРДАМИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ.

БУ ТАНТАНАЛАР УЙЛАРИНИНГ КОЛЛЕКТИВЛАРИ СИЗГА МАРОСИМИНГИЗНИ ЧИРОЙЛИ, ЭСДА ҚОЛАДИГАН ВА БАЙРАМОНА ЎТКАЗИШДА ЁРДАМ БЕРИШАДИ:

Олдиндан келишиб олинган программа бўйича вокал-чолғу ансамбли;

кечани олиб борувчи-бошқарувчи;

тантанали кечангизни кино ёки фото плёнкага туширувчи кино-оператор ёки фотограф;

ветеранларни шарафловчи баянчи-импровизатор сизнинг ихтиёрингизда бўлади.

1-тантаналар уйи 50 дан то 150 нафаргача кишини сиғдираоладиган учта залга эга.

2-тантаналар уйи залига эса 300 га қадар киши сиғади.

Тажрибали пазандалар меню тузишда ва тегишли озиқ-овқат маҳсулотларини танлашда сизга кўмак беришади.

Ансамбларнинг репертуаридан ўзбек ва совет композиторларининг асарлари, эстрада музикаси, СССР халқларининг куй-қўшиқлари ва ўйинлари кенг ўрин олган.

Ҳар иккала тантаналар уйи сизга дастурхон ва идиш-анжомларни прокатга ҳозирлаб беради, малакали официантлар дастурхонингизни чиройли қилиб безаб ва тузаб беришади.

Справкалар учун телефонлар: 77-83-96, 55-66-06, 0-65.

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ ВА

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ КИНОЛАШТИРИШ БОШҚАРМАСИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОТЕАТРЛАРИ ВА МАДАНИЯТ САРОЙЛАРИ ЭКРАНЛАРИГА ҚУЙИДАГИ ЯНГИ БАДИИЙ ФИЛЬМЛАРНИ ЧИҚАРДИ

«АЙРИЛИҚ ОЛДИДАН»



Сценарий муаллифи — В. ШУЛЬЖИК (А. Косарёв, Г. Ферелар иштирокида).

Режиссёр — А. КОСАРЕВ.

Ролларда: Н. ФАТЕЕВА, Ю. АНТОНОВ, К. ЛУЧКО ва бошқалар.

...Узоқ Шарқдаги бу мўъжазгина аэропорт ўтган уруш йилларида АҚШдан СССРга юборилган самолётларни қабул қилиш учун қурилган эди. Ўшанда ёш қизча Тоня Америка учувчисини қутқариб қолган ва ярадор учувчини фалокатга учраган самолётдан олиб чиққанди. Орадан узоқ йиллар ўтиб, мана шу ҳозирги кунларимизда ўша америкалик учувчининг ўғли профессор-биолог Роберт Хэллман Совет Иттифоқига ташриф буюради ва Тоняни топади.

«МОСФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИ МАҲСУЛОТИ.

«ИККИНЧИ БОР ҚРИМДА»



Сценарий муаллифи — В. ЖЕЛЕЗНИКОВ.

Режиссёр — П. ЛЮБИМОВ.

Ролларда: Г. ЮМАТОВ, А. ЛОМОВ, Е. ФИНОГЕНОВА ва бошқалар.

Фильмнинг бош қаҳрамони — СССР Қуролли Кучларининг ветерани, Халхин-Голдан Берлингача жанговар йўл босиб ўтган ва ҳамон сафда қолиб ўз бурчини адо этаётган, Ватанининг энг юксак мукофотларини олишга мушарраф бўлган армия генералидир. Барча жангу-жадаллар, қанчадан-қанча изтироб ва жудоликлардан кейин ҳам бугун у кучли, иродали, зукко генерал. У шунчаки оддий генерал эмас, балки туб маънодаги ҳақиқий жангчи, мамлакатимиз таянчи.

М. ГОРЬКИЙ НОМЛИ КИНОСТУДИЯ МАҲСУЛОТИ.

ПИОНЕР ЛАГЕРЛАРИДА

ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

ЁЗГИ КАНИКУЛЛАР БОШЛАНДИ. АКСАРИЯТ ЎҒИЛ-ҚИЗЛАРИМИЗ КАНИКУЛЛАРИНИ ПИОНЕР ЛАГЕРЛАРИДА, САНАТОРИЙЛАРДА, ТУРИСТИК БАЗАЛАРДА ЎТКАЗИШАДИ.



ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ ИЧКИ ИШЛАР БОШҚАРМАСИНИНГ ЁНҒИНДАН МУҲОФАЗА ҚИЛИШ БОШҚАРМАСИ

ПИОНЕР ЛАГЕРЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ ВА БОШ ПИОНЕРВОЖАТИЙЛАРИГА ҚУЙИДАГИЛАРНИ ЭСЛАТАДИ:

— пионер лагерининг очилиши мажбурий тартибда давлат ёнғиндан муҳофаза қилиш маҳаллий назорат органлари билан келишиб олиниши лозим;

— пионер лагери территориясида ёнғин хавфсизлигига қатъий риоя қилиниши керак;

— территория ва хоналар ҳамиша озода ва тартибли сақланиши зарур;

— қуриган ўт-ўланлар ўриб олиниши ва лагердан ташқарига чиқариб ташланиши лозим;

— эвакуация йўллари, йўлаклар ва ўтиш жойлари ҳамиша бўш бўлмоғи, ҳеч қандай буюмлар билан тўсилмаслиги шарт;

— ўсмирларнинг кўнгилли ўт ўчирувчи дружиналарини ташкил этиш ва ҳар бир корпусда кундалик навбатчилик ташкил этилиши лозим;

ҚАТЪИЯН МАН ЭТИЛАДИ

— ётоқхоналарда электр иситиш приборлари (плиталар, чойнаклар, дазмоллар)ни қўллаш;

Чойшаблар ва кийим-кечакларни дазмоллаш учун махсус хона жиҳозланиши, дазмолларни ёнмайдиган тагликларга қўйиш лозим;

Электр тармоқларига уланган электр приборларини назоратсиз қолдириб бўлмайди;

— мавсум очилиши ва ёпилиши олдидан пионер гулханларини ёқиш давлат ёнғиндан муҳофаза қилиш маҳаллий назорат органлари билан мажбурий тартибда келишиб олиниши ва бу гулханлар ёқиладиган жой бинолардан камида 50 метр олисдаги очиқ майдонларда танланиши керак;

Гулханларни тез аланга олдириб юбориш учун енгил аланга олувчи суюқликларни ишлатиш қатъиян ман этилади. Гулханлар ёқиладиган жой дастлабки ёнғинни ўчириш воситалари билан таъминланган бўлиши керак.

Ёнғин пайдо бўлган ҳолларда пионер лагерининг раҳбари ва хизмат кўрсатувчи ходимлар қуйидаги вазифаларни бажаришга мажбурдирлар:

— «01» телефони орқали дарҳол ўт ўчирувчиларни чақириш ва маҳаллий ўсмирлар кўнгилли ўт ўчирувчилар дружинаси учун тревога эълон қилиш;

— биринчи навбатда ёнғин чиққан бинолардан, шунингдек аланга олиши ва тутун тарқалиши хавфи бўлган бинолардан болаларни эвакуация қилиш тадбирларини кўриш керак; кичик ёшдаги болалар биринчи навбатда эвакуация қилинади;

— ёнғинни ўчириш учун лагерда мавжуд бўлган куч ва воситалар билан дарҳол ёнғинни ўчиришга киришиш лозим;

— чақирилган ўт ўчирувчилар қисмининг кутиб олинишини ташкил этишлари ва қисм бошлиғини болаларнинг ҳаммаси ёнаётган ёки тутун босган бинолардан эвакуация қилинганлиги, яна қайси биноларда болалар қолганлиги тўғрисида батафсил хабардор қилишлари керак.

Дастлабки ёнғинни ўчириш воситалари (аланга ўчиргичлар, сув тўлдирилган бочкалар ва ҳоказолар) етарли миқдорда, телефон алоқаси соз ҳолда бўлмоғи керак.

Ана шу эҳтиёт тадбирларига риоя қилиш болаларнинг сиҳат-саломатлигини ва уларнинг хавфсиз дам олишини таъминлайди.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЧКИ ИШЛАР БОШҚАРМАСИНИНГ ЁНҒИНДАН МУҲОФАЗА ҚИЛИШ БОШҚАРМАСИ.

Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министрлигининг

РЕСПУБЛИКА ЎҚУВ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОМБИНАТИ

МИЛЛИЙ КАШТАЧИЛИК (попопчилик) **бўйича мутахассислар тайёрланадиган**

6 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

8-10 синф ҳажмида маълумотли, 16 ва ундан катта ёшдаги Тошкент шаҳрида доимий пропискаси бўлганлар қабул қилинадилар.

Ўқувчиларга ҳар ойда 35 сўм стипендия тўланади.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшилади.

Курсни тамомлаганлар Тошкент бадиий буюмлар фабрикасига ишга юборилади.

Фабрика қошида кечки мактаб ишлайди ва ўқишни давом эттириш мумкин.

Ўқиш ўзбек тилида олиб борилади.

Машғулотлар ҳар ойнинг бошида бошланади.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов райони, Сағбон кўчаси, Олча проезди, 2-уй (38, 59, 76, 166-автобусларнинг «Магазин» бекати). Справкалар учун телефон: 44-29-70.

МАКУЛАТУРА ТОПШИРУВЧИ ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Чилонзор район аҳолисига хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида 19-квартал, Қатортол кўчасида («Универсам» магазини ёнида) **янги 74-қабул пункти очилди.**

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ-ТАЪЛАШ КОРХОНАСИ.

Тошкент шаҳридаги республика ёш физик ва математиклар мактаб-интернати томонидан **Маматқулов Исомиддин Саидович** номига берилган 084706 номерли йўлланма

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«Ташхозторг» коллективи 6-магазин директори

Шарафиддин Ҳусниддинович НУРИДДИНОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 7/VI **Қуёшга таъзим қил.** 8/VI да **Князь Игорь.**

КИНО

7 ИЮНДА БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«СИР САҚЛАГАН ОДАМ» — **Санъат саройи** (катта зал, 18.30, 20.45; телефон 44-21-34), **Ҳамза номли** (18.30, 21.00, телефон 91-10-51), **К. Ёрматов номли** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 24-22-66), **М. Шайхзода номли** (18.30, 20.45).

«МЕН ҚЎРҚАМАН» — **Санъат саройи** (кичик зал, 17, 19.30).

«МУҲРЛАНМАГАН ЮК» — **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52), **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-02), **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59), **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда, телефон 53-65-87).

«ТУТСИ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (18, 21.00).

«ТАВАККАЛЛИК ОҚИБАТИ» — **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 77-06-20), **Ватан** (тоқ соатларда), **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69), **Хива** (21.45), **Қозоғистон** (17, 18, 20, 21.00), **Дружба** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 66-15-75).

«ТРЮКЧИ» — **Тинчлик** (18.30; 21.00).

«АББА» — **Восток** (жуфт соатларда, сўнгги сеанс 21.30 да).

«МАҲЛУҚ» — **Москва** (тоқ соатларда).

«СПАРТАК» — **Фестиваль** (21.45, телефон 32-78-02).

«ҚАЙСАРНИНГ БЎЙСУНДИРИЛИШИ» — **С. Раҳимов номли** (18.30, 21.00).

8 ИЮНДА БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«СИР САҚЛАГАН ОДАМ» — **Санъат саройи** (катта зал, 11, 13.30, 16, 18.30, 20.45, телефон 44-21-34), **Ҳамза номли** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00, телефон 91-10-51), **К. Ёрматов номли** (жуфт соатларда, телефон 24-22-66), **М. Шайхзода номли** (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45).

«МЕН ҚЎРҚАМАН» — **Санъат саройи** (кичик зал, 12, 14.30, 17, 19.30).

«МУҲРЛАНМАГАН ЮК» — **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52), **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-02), **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59), **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда, телефон 53-65-87).

«ТУТСИ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (12, 15, 18, 21.00).

«ТАВАККАЛЛИК ОҚИБАТИ» — **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 77-06-20), **Ватан** (тоқ соатларда), **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69), **Хива** (21.45), **Қозоғистон** (11, 12, 14, 15, 17, 18, 20, 21.00), **Дружба** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 66-15-75).

«ТРЮКЧИ» — **Тинчлик** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

«АББА» — **Восток** (жуфт соатларда, сўнгги сеанс 21.30 да).

«МАҲЛУҚ» — **Москва** (тоқ соатларда).

«СПАРТАК» — **Фестиваль** (21.45, телефон 32-78-02).

«ҚАЙСАРНИНГ БЎЙСУНДИРИЛИШИ» — **С. Раҳимов номли** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

«СЕРВИС» АГЕНТЛИГИ— ШАҲАРЛИКЛАР ХИЗМАТИДА!

Ўзбекистон ССР 50 йиллиги проспектида жойлашган «Сервис» марказий агентлиги эшиклари меҳмондўстлик билан очиб қўйилган.

Бу ерда олдиндан самолёт ва автобус билетларига, Иттифоқимизнинг кўплаб шаҳарларидаги меҳмонхоналарда жойларни банд этиш учун буюртма бериш, мамлакатимиз турли бурчакларига туристик путёвкалар сотиб олиш мумкин.

«Сервис» хизмати аҳолининг катта эътиборини қозонди. Эски хизмат турлари такомиллаштирилмоқда ва янгилари жорий этилмоқда. Улардан бири — телефон орқали самолёт, автобус ва темир йўл билетларини талаб этилган жойга элтиб бериш шарти билан комплекс буюртмалар қабул қилишдир.

ҲУРМАТЛИ МЕҲМОНЛАР ВА ТОШКЕНТЛИКЛАР!

Талаб қилинган жойга элтиб бериш шарти билан барча турдаги билетлар учун буюртмалар фақат шахсий ёки хизмат телефони орқали 9 дан 18.00 гача —жўнаб кетишдан 5-20 кун илгари бўш ўринлар мавжуд бўлганда қабул қилинади.

Авиабилетларга қуйидаги телефонлар орқали буюртма бериш мумкин: 41-80-11, 41-80-12. Элтиб бериш ҳақи — 1сўм.

Автобус билетларига 41-80-16 телефони орқали буюртма бериш мумкин. Элтиб бериш ҳақи —50 тийин.

Темир йўл билетларига 41-80-29 телефони орқали буюртма бериш мумкин. Элтиб бериш ҳақи —1 сўм.

Янги хизмат тури тўғрисида 41-79-22 телефони орқали батафсил ахборот олиш мумкин.

«СЕРВИС» АГЕНТЛИГИ ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!

«ЎЗТРАНСЭКСПЕДИЦИЯ» БОШҚАРМАСИ РЕКЛАМА ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ.

ТВ

ЖУМА

7 ИЮНЬ

● МТ I

17.40 Баянчилар ва аккордеончилар II Бутуниттифоқ конкурси иштирокчиларининг концерти.
18.25 Мактаб ўқувчиларининг СССР Олий Совети депутати, Ленин комсомоли мукофотининг лауреати, механизатор Н. В. Геллерт билан учрашуви.
18.55 «Ватанга хизмат қиламан». Илмий-оммабоп фильм.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Дунё ва ёшлар».
20.05 «Агар соғлом бўлай десанг».
20.20 «Бош конструктор». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.
21.30 «Время».
22.05 «Джаз панорамаси».

4 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ

7 ИЮНЬ, 1985 й.

22.30 «Ҳужжатли экран».
23.30 «Дунё воқеалари».

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.45 Телевизион ҳужжатли фильм премьераси.
19.00 «Кўллаб сифатли товарлар етказиб берайлик».
19.30 Телевизион ҳужжатли фильм.
20.20 Халқ куйлари.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». «Мишка сайилда». Мультфильм.
20.45 Ритмик гимнастика.
21.15 К. Маркс номли Ереван политехника институтининг камер оркестри ижро этади.
21.30 «Время».
22.05 «Олишув». Бадиий фильм.
23.25 «Улуғ Ватан урушн қўшиқлари». МТ ва БР совет қўшиқлари студиясининг ансамбли ижро этади.

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 «Қанотли хўтик». Мультфильм.
18.30 «Дунё воқеалари».
19.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — МАСК. «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Ахборот» (рус.).
20.50 «Ахборот».
21.10 Романс кечаси.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Оболонский плацдарми қаҳрамонига». Совет Иттифоқи Қаҳрамони Қудрат Суюновга бағишланган телеочерк.
22.15 «Яхши кайфият». Музикали программа.
23.10 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.10 Абитуриентлар учун. Химия.
18.40 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Биз — 80-йиллар комсомоллари».
19.10 «Маҳтумқули — Фироғий». Ҳужжатли фильм.
19.20 «Китоб дўстлари» (рус.).
19.50 «Етти жоду». Ҳужжатли фильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 Жаҳон адабиёти классиклари. В. Гюго.
21.00 «Карнай садоси». Фильм-концерт («Ўзбектелефильм»).

ШАНБА

8 ИЮНЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 М. Глинка номли Горький Давлат консерваториясининг рус халқ чолғулари оркестри чалади.
10.15 «Рассомлар ҳақида ҳикоялар». В. Серов.
10.45 Илмий-оммабоп фильмлар: «Кекса Урал», «Демерж ён бағирларида».
11.10 Болалар учун фильм. «Мишка-сеҳргар» («Ўзбектелефильм»).
11.40 СССР Ички ишлар министрлиги бадиий ҳаваскорлик коллективининг концерти.
12.25 Баскетбол бўйича Европа чемпионати. Эркаклар. СССР—Югославия терма командалари. ГФРдан олиб кўрсатилади.
13.05 «Март ойининг бошида». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. «Меҳнатга яраша шараф ва шуҳрат» туркумидан.
13.30 «Оила ва мактаб». Тележурнал.
14.00 «Мардлик қонунига биноан».
14.30 «Камалак» халқ ижодиёти телепрограммаларининг VI Халқаро фестивали. «Фанорелик волинка» (Ирландия).
15.05 «Дунё воқеалари».
15.20 «Ҳаётга йўлланма».
16.05 «Ҳайвонот оламида».
17.05 Р. Шуман. «Симфоник этюдлар» фортепьяно туркуми. СССР халқ артисти И. Гилельс ижро этади.
17.35 Сиёсий шарҳловчи В. П. Бекетов суҳбати.
18.05 Мультфильмлар: «Чўпон ва гўзал малика ҳақида эртак», «Болтадан пиширилган бўтқа», «Офтобжон», «Андрейка ва қоронғулик».
18.35 «Терговни билимдонлар олиб боради». 8-иш — «Қочиш». Телеспектакль. 1- ва 2-серия.
21.30 «Время».
22.05 «Сизни Москва оперетта театри таклиф этади».
23.20 Янгиликлар.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика
9.15 «Агар соғлом бўлай десанг».
9.30 «Олишув». Бадиий фильм.
10.50 «Тонгги почта» музикали кўрсатуви.
11.20 ОЗАРБАЙЖОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.
12.45 «Сиз яратган боғ».
13.15 СССР халқ артисти Г. Рождественский раҳбарлигидаги СССР Маданият министрлиги Давлат симфоник оркестрининг концерти.
13.45 «Саёҳатчилар клуби».
14.45 «Стадион ҳамма учун».
15.15 Ўсмирлар учун музикали кўрсатув.
17.05 «Тайинланиш». Телевизион бадиий фильм.
18.35 «Уч карта». Фильм-балет. К. Молчанов музикаси.
19.45 «Халқаро обзор».
20.00 «Европа норкаси». Илмий-оммабоп фильм.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». «Сирли равишда ғойиб бўлди». Мультфильм.
20.45 «Здоровье».
21.30 «Время».
22.05 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Металлист» — «Спартак». «Динамо» (Киев) — «Зенит». Харьков ва Киевдан олиб кўрсатилади.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.25 «Диалог». Телефильм.
10.55 «Кинопублицист экрани».
11.40 «Акмалнинг саргузаштлари». Телевизион бадиий фильм. 1-серия (рус.), («Ўзбекфильм»).
12.50 «Халқ оғзаки ижоди». Бахши шоирларнинг VI республика кўрик-конкурси ғолиблари ижро этади.
14.00 «Замандас». Қишлоқ хўжалик ходимлари учун кўрсатув (козоқ тилида).
18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 Болалар учун. «Санъат ғунчалари».
18.35 «Ўрмон қўриқчиларн». Мультфильм.
18.50 «Ота-оналар университети».
19.20 «Хуш келибсиз». Янги урфодатлар ҳақида ҳужжатли фильм премьераси («Ўзкинохроника»).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Алкоголизм — ёмон нлат». Кинокўрсатув.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Мусиқа жавони».
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Ғўза парваришига —аъло сифат».
22.25 Телевизион миниатюралар театри.
23.25 Кўрсатувлар программаси.

● ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»)

—орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и Ташгорсовета.

(Газета бир йилда 300 марта чиқади).

БИЗНИНГ АДРЕС:

700047, ТОШКЕНТ ШАҲРИ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 33-08-74; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-55-39; Совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат —32-56-81; ахборот —33-28-95; спорт ва ҳарбий ватанпарварлик ишлари— 32-55-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 33-81-42.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р—12307. **Индекс 64690.** 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.